

ИСЛОМОВ Зоҳид Маҳмудович
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
профессори

ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР

ACHIEVEMENTS IN THE FIELDS OF EDUCATION, SCIENCE, AND INNOVATION

ДОСТИЖЕНИЯ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ

Аннотация. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2025 йил 22 сентябрда Нью-Йоркда 80-сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Мазкур нутқда демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий Янги Ўзбекистонни барпо этиши бўйича амалга оширилаётган ислохотлар очиб берилди. Айниқса, таълим, фан ва инновациялар соҳасида амалга оширилаётган ишлар урғуланди.

Таянч иборалар. Бирлашган миллатлар ташкилоти, Бош ассамблея, Ўзбекистон Президенти, Янги Ўзбекистон, ислохотлар, таълим, илм-фан, инновациялар.

Annotation. The 80th session of the United Nations General Assembly was held in New York on September 22, 2025. During the session, the President of the Republic of Uzbekistan, Shavkat Mirziyoyev, delivered a speech. In his address, he highlighted the reforms being carried out to build a democratic, legal, social, and secular New Uzbekistan. In particular, he emphasized the progress achieved in the fields of education, science, and innovation.

Key words. United Nations, General Assembly, President of Uzbekistan, New Uzbekistan, reforms, education, science, innovations.

Аннотация. 22 сентября 2025 года в Нью-Йорке состоялась 80-я сессия Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций. На ней выступил Президент Республики

Узбекистан Шавкат Мирзиёев. В своей речи Президент осветил проводимые реформы по строительству демократического, правового, социального и светского Нового Узбекистана. Особый акцент был сделан на работе, осуществляемой в сферах образования, науки и инноваций.

Ключевые слова. Организация Объединенных Наций (ООН), Генеральная Ассамблея, Президент Узбекистана, Новый Узбекистан, Реформы, Образование, Наука, Инновации.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2025 йил 22 сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган 80-сессиясида сўзлаган нутқида Янги Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятидаги иштироки, демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат қуриш, камбағалликни қисқартириш, иқтисодий ривожланиш, ижтимоий барқарорлик, инсон қадри, минтақавий ҳамжиҳатлик, экологияни асраб-авайлаш каби муҳим ва долзарб масалаларга эътибор қаратди. Нутқда Янги Ўзбекистонда таълим, илм-фан, инновациялар соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга муҳим, долзарб масала сифатида урғу берди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Янги Ўзбекистонда таълим соҳаси тараққиёт стратегиясининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсадида қабул қилинган қарорлар, амалга оширилган ислохотлар натижасида тизимда туб ўзгаришлар кузатилганини таъкидлаш зарур. Жумладан, мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 78 фоизга кўтарилди. Бу эса мактабгача таълим соҳасида сўнгги йилларда кенг кўламли ўсиш кузатилганини кўрсатади. Давлат томонидан янги мактабгача таълим муассасаларининг ташкил этилиши, давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларнинг йўлга қўйилиши, маҳаллий бюджетлардан маблағларнинг ажратилиши мактабгача таълим тизими соҳасининг улкан суръатлар билан ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўқитувчи ва устозлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади эканини таъкидлади. Шу муносабат билан, Янги Ўзбекистонда умумтаълим тизимини тубдан ислох қилиш, жумладан, ўқитувчиларнинг обрўси ва нуфузини ошириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, таълим-тарбия жараёнларига ягона миллий ғоя асосида ёндашиш бўйича концепция қабул қилинди. Натижада мактабгача таълимдан тортиб олий таълимгача бўлган барча босқичда таълим, тарбия ва маънавий-маърифий ишлар узвийликка эга бўлди. Мактабларда педагог ходимларни ортқича тадбирлар ва қоғозбозлик ишларига жалб қилишга барҳам берилиб, уларнинг бўш вақтлари самарали фаолиятга йўналтирилди.

Янги Ўзбекистонда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилди. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар мамлакатда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш, олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнларини йўлга қўйиш масаласига замонавий ёндашувлар, илғор халқаро тажриба асосида ёндашилаётганини кўрсатади. Жумладан, 2025 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-76-сонли Фармони қабул қилинди.

Сўнгги уч йилда мамлакатимизда олий таълим муассасалари сони 65 тадан 117 тага етди, қабул квоталари 66 мингтадан 181 мингтага ошди. Шунингдек, барча олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, хорижий мамлакатларнинг нуфузли университетлари билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурлари доирасида 64 та янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача 3,5 бараварга оширилди. Ёшларнинг олий таълим билан қамрови 9 фоиздан 42 фоизга кўтарилди.

Таълим тизимини изчил ривожлантиришга қаратилган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, энг аввало, ёшларни билимли ва

малакали этиб тарбиялаш, жаҳон тараққиётига мос мутахассислар тайёрлашдан иборат. Бу борада халқаро тажрибани ўрганиш, хусусан, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги нуфузли университетлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг доимий алмашинувини йўлга қўйиш, қўшма таълим дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, Давлатимиз Раҳбари ўз нутқида педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформани яратиш мақсадида Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш таклифини илгари сурди.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшларга таълим-тарбия беришнинг устувор масалалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, ёшлар қалбига тинчлик, гуманизм, дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб ғояларни сингдириш долзарб вазифа эканлигини таъкидлади. Шу мақсадда Давлатимиз Раҳбари “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифини илгари сурди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минбаридан туриб билдирилган мазкур муҳим ташаббус ва таклифлар Янги Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётганини, давлатимиз обрўси ва нуфузи кун сайин юксалиб, ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиб бораётганини кўрсатади. Албатта, бунинг замирида Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқ ва конструктив сиёсат, кенг қўламли ислохотлар ётибди.

Умуман, Президент Шавкат Мирзиёев нутқи ёшлар ва маънавият, таълим-тарбия масалаларига бағишлангани, Янги Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбиясига, жумладан, таълим тизимини мактабгача таълимдан тортиб олий таълимгача бўлган барча босқичларда ривожлантириш масалаларига улкан эътибор берилаётгани, ушбу масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини кўрсатади.

Шунингдек, янги Ўзбекистонда буюк мутафаккир аждодларимизнинг ҳаёти ва илмий меросини чуқур ўрганиш, маҳаллий ва халқаро жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, хусусан, айнан шу мақсадга хизмат

килувчи Ўзбекитондаги Ислом цивилизацияси марказининг очилиши эътиборга лойиқ. Сессияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридийнинг бой маънавий ва илмий меросининг тақдирларини ўтказиш таклифи билдирилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда буюк мутафаккир аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўлларини ўрганиш, уларнинг бой илмий-маънавий меросини халқимиз ва жаҳон афкор оммасига етказиш, бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотмаган асарларининг нашрларини амалга ошириш юзасидан эътирофга лойиқ ишлар олиб борилмоқда. Мана шундай муҳим нашрлардан бири сифатида Ўзбекистонда илк мартаба чоп этилаётган “Ислом энциклопедияси”ни келтириш мумкин. Ушбу нашрни тайёрлашда юртимиз алломаларининг бой қўлёзма меросидаги муҳим маълумотлардан кенг қўламда фойдаланилмоқда ва ҳозирга қадар энциклопедиянинг уч жилди чоп этилган.

Юртимизда ташкил қилинган Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларида ислом дини ва цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган юртимиз алломаларининг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ҳамда халқимизга етказиш, ислом динининг бағрикенглик, мўътадиллик, инсонпарварлик, тинчликпарварлик, маърифат каби умуминсоний қадриятларга асосланган асл тамойилларини аҳоли, айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг араб, форс, эски ўзбек ва бошқа Шарқ тилларида ёзилган қўлёзмаларини жамлаш, илмий-танқидий матнларини нашр қилиш йўналишида муҳим илмий натижалар қўлга киритилмоқда. Ўзбекистонда ўтмиш маданий-маънавий, илмий мероси ҳисобланган қўлёзмаларни ўрганадиган юқори малакали манбашунос, матншунос мутахассисларни тайёрлаш ишига ҳам катта эътибор берилмоқда ва юртимизнинг нуфузли олий таълим муассасаларида исломшунос, шарқшунослар тайёрланмоқда.

ХУЛОСА

Бугун мамлакатда Биринчи ва Иккинчи Ренессанслар даврида кузатилган илмий-

маданий юксалиш асосида Учинчи Ренессанс сари дадил қадам ташланмоқда, бу айтиш ҳақиқат. Учинчи Ренессанс тушунчаси халқимизнинг истиқбол билан боғлиқ энг эзгу орзуларини ифодалаб, Ватанимиз учун ёрқин келажак сари йўл очади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугун Янги Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, туб ўзгаришлар ўқитувчи ва устозларнинг обрў ва нуфузини оширишга, ёшларимизнинг жаҳон талаблари асосида энг замонавий билим ва кўникмаларини эгаллашларига замин яратди. Шу билан бирга, мамлакатимизда таълим тизимининг барча босқичлари ривожланиб, ёшларга таълим-тарбия беришнинг халқаро тажрибалар билан беллаша оладиган миллий модели яратилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи. 23.09.2025. // <https://president.uz/uz/lists/view/8525>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони. 08.10.2019. // <https://lex.uz/docs/4545884>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. 28.01.2022. // <https://lex.uz/docs/5841063>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сон Қарори. 02.12.2022. // <https://lex.uz/docs/6303230>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли Фармони. 11.09.2023. // <https://lex.uz/docs/6600413>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4312-сон Қарори. 08.05.2019. // <https://lex.uz/uz/docs/4327235>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.